
РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Ижтимоий тармоқларда эълон қилинган “Фарғона вилояти Риштон туманидаги Оқ ер қишлоғидаги газ тақсимлаш пункти (ГРП). Газ кранининг юқори босим томонини беркиб занжирлаб кетишди. Ҳолбуки, бу аҳолига қулайлик яратиш учун ўрнатилганди. Аҳоли совуқда қийналмасин. Газ идорасидан изоҳ ва амалий ҳаракати кутиб қоламиз” номли мурожаат юзасидан “Ҳудудгаз” Риштон тумани бўлими қуйидагиларни маълум қилади. Мазкур мурожаат “Ҳудудгаз” Риштон тумани бўлими ходимлари томонидан ўрганилди. Ўрганишлар жараёнида Оқ ер қишлоғидаги газ тақсимлаш пункти занжирлаб кетилмагани маълум бўлди. Фуқаролар, оммавий ахборот воситалари ва блогерлардан ҳар қандай воқеага холис ёндашиб, турли нотўғри маълумотларни тарқатмасликларини сўраб қоламиз.

2021-12-23 20:03:15